

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА “ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ” ФАНИНИНГ ЎРНИ.

Ибрагимов Шахбоз Рамазонович

Тошкент давлат стоматология институти ассистенти, PhD.

Халилов Иномжон, Намозов Лазиз

Тошкент давлат стоматология институти Стоматология факультети 311 –гuruh талабалари

Аннотация: Хозирги даврда тиббиёт ходимларининг самарали фаолияти учун ҳуқуқий тайёргарлиги талаб этилади. Чунки тиббиёт ходимлари билан беморлар ўртасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганлигини инкор этиб бўлмайди. Шу сабабли тиббиёт ходимларининг маъмурий жавобгарлиги фанини ўқитилиши муҳим касб этади.

Калит сўзлар: Мамурий жавобгарлик, касб ҳуқуқбузарлик, ятрогения, тан жарохати, тиббиёт ходимлари.

Мавзунинг мақсади: Тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш ва тиббий фаолиятда юзага келадиган турли хил ҳуқуқбузарликларни олдини олиш.

Натижалар ва хулосалар: Мазкур фан Тошкент давлат стоматология институти талабаларига 2019-2020 ўқув йилида танлов фан сифатида 5 курсда ўқитилиши жорий қилинди. Ўқув йилида тиббиёт ходимларининг маъмурий жавобгарлиги фани бўйича ўқув машғулоти учун 35 соат ажратилган. Амалий машғулотларда соғлиқни сақлаш соҳасига оид меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар, аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва мулкка таъжовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар, аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан танишиб чиқадилар. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг VI бобида аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар келтириб ўтилган. Ушбу ҳуқуқбузарликлардан баъзи бирларини хавола қиламиз:

52-модда. Енгил тан жароҳати етказиш

53-модда. Санитария қонунчилигини бузиш

54-модда. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш

55-модда. Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш

56-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш

56¹-модда. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш

57-модда. Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш

58-модда. Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши

59-модда. ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик

59¹-модда. Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш

59²-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик.

Алоҳида эътибор тиббий фаолият билан бевосита боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва тиббиёт ходимларининг маъмурий жавобгарликларини муҳокама қилишга қаратилади. Бунда, диагностика, даволаш ва профилактика жараёнларида кузатилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликларининг вужудга келиш сабаблари ҳамда уларнинг хусусиятларини аниқ мисолларда ўрганиб чиқилади. Қолаверса тиббий ёрдам нуксонларининг моҳияти, йўл қўйиш сабаблари, оқибатга таъсири ва уларнинг ҳуқуқий баҳоланиши кўриб чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу фанни барча тиббиёт олийгоҳларида ўқитилиши тадбиқ қилинса тиббиёт ходимларининг маъмурий жавобгарлиги бўйича тегишли билим, кўникмаларига эга бўлишига, тиббий амалиётда тиббий ёрдам нуксонларининг камайишига ва тиббий ёрдам самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ибрагимов, Ш. Р., Шаматов, И. Я., & Исламов, Ш. Э. (2020). Особенности повреждений челюстей. Вопросы науки и образования, (30 (114)), 36-44

Xikmatullaev, R. Z., Bakhriev, I. I., To'liqin, J. A., & Ibragimov, S. R. (2023). BO 'LAJAK SHIFOKORNI TARBIYALASHNING G 'OYAVIY-SIYOSIY BIRLIGI. Journal of Innovation, Creativity and Art, 112-115

Ibragimov, S., Shamatov, I., & Islamov, S. (2020). Features of damage to the jaws. Issues of science and education, (30), 36.

Ибрагимо, Ш. Р., Исламов, Ш. Э., Нормухматов, И. З., & Ураков, К. Н. (2022). Характер повреждений челюстей при оказании экстренной медицинской помощи. In VolgaMedScience (pp. 352-354).

Исламов, Ш., Бахриев, И., Ибрагимов, Ш., & Ойдинов, А. (2021). Характер повреждений верхней челюсти. Журнал стоматологии и краниофациальных исследований, 2(1), 18-20.

Ibragimov, S., Bakhriev, I., Islamov, S., & Makhmatmuradova, N. Quality of life of patients with jaw fractures. Редакционная коллегия, 138.

Ibragimov, S., Bakhriev, I., & Islamov, S. Forensic medical characteristic jaws damage. Тенденції та перспективи розвитку науки і освіти в умовах глобалізації, 222.

Ибрагимов, Ш. Р. (2024, August). ПЕРЕЛОМЫ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ: ПРИЧИНЫ, ХАРАКТЕРИСТИКИ, СТЕПЕНЬ ТЯЖЕСТИ. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 8, pp. 47-52).

Исламов, Ш. Э. (2023). ПАСТКИ ЖАҒ СУЯКЛАРИ ЖАРОХАТИНИНГ ТАХЛИЛИЙ КЎРСАТКИЧИ. PEDAGOG, 6(2), 589-592.

Ибрагимов, Ш. Р., Исламов, Ш. Э., & Ганиева, Н. Х. (2023). Неогнестрельные переломы верхней челюсти. Innovation in the modern education system, 3(29), 575-580.

Ибрагимов, Ш. Р. Ислом Якубович Шаматов, Шавкат Эрйигитович Исламов.(2020). Особенности повреждений челюстей, 30, 36-44.

Ибрагимов, Ш. Р. (2023). ЮҚОРИ ЖАҒ СУЯКЛАРИ ЖАРОХАТЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИЙ КЎРСАТКИЧИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(8), 747-752.

Ибрагимов, Ш. Р., Исламов, Ш. Э., Нормухаматов, И. З., & Ураков, К. Н. (2022). Характер повреждений челюстей при оказании экстренной медицинской помощи. In VolgaMedScience (pp. 352-354).

Ibragimov, S., Bakhriev, I., & Islamov, S. TYPES OF FRACTURES OF THE UPPER JAW. ТЕНДЕНЦІЇ ТА ПЕРСПЕКТИВИ РОЗВИТКУ НАУКИ І ОСВІТИ В УМОВАХ ГЛОБАЛІЗАЦІЇ, 219.

Ramazanovich, I. S., & Eriygitovich, I. S. (2024). CHARACTERISTICS OF FRACTURES OF THE UPPER JAW. World Bulletin of Public Health, 32, 127-129.

Ибрагимов, Ш. Р., Исламов, Ш. Э., & Бахриев, И. И. (2023). СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА МЕХАНИЗМОВ ПЕРЕЛОМОВ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ.

Ramazonovich, I. S., Islamov, S. E., & Negmatullaevna, M. N. (2022). Assessment of the nature of the jaw injury. trauma, 7, 10.

Ибрагимов, Ш. Р., Исламов, Ш. Э., & Бахриев, И. И. (2023). ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕЛОМОВ ВЕРХНЕЙ ЧЕЛЮСТИ. умент не содержит источников.

Ramazanovich, I. S., Ganiyeva, N. H., & Axmedov, Z. X. (2025). CHARACTERISTICS OF MANDIBULAR INJURIES. AMERICAN JOURNAL OF APPLIED MEDICAL SCIENCE, 3(1), 211-222.

Ибрагимов, Ш. Р., Исламов, Ш. Э., & Бахриев, И. И. (2024). СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЕ ПОВРЕЖДЕНИЙ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ. Medical Journal of Uzbekistan, (2), 201-214.

Ибрагимов, Ш. Р. (2023). ЧОП ЭТТИРИЛГАН ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРГА ИҚТИБОС КЕЛТИРИЛИШ ТАҲЛИЛИ. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION, 2 (18), 229–233. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION.